



Жадид адибларининг ислом тарихига оид асарлари хусусида

Azimova Ziyoda Ergashevna
Artikova Muhayyo Botiraliyevna
Qodirov Valijon Abdurahmanovich
Хасанов Шаробидин Азамович
Муқаддас Тожибоева
Абдурахимовна

Andijon davlat pedagogika instituti
o'qituvchilari

Аннотация: XX аср бошлари жадид адиблари ижодида муқаддас ислом тарихига мурожаат, шонли тарихнинг айрим лавҳаларини китобхонларга эслатиш орқали уларни маърифатга чорлаш мотивларини кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан Махмудхўжа Бехбудий, Авлоний, Абдурауф Фитратнинг ислом тарихига оид асарлари аҳамиятлидир. Мақолада жадид адибларининг рисолаларида пайғамбарлик тарихининг муҳим нуқталари ёритилганлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жадид адабиёти, ислом тарихи, анъанавийлик, маърифатпарварлик, дарслик ва рисолалар.

О работах писателей-джадидов по истории ислама

Аннотация: В произведениях писателей-джадидов начала XX века можно наблюдать мотив обращения к священной истории ислама и призыва читателей к просвещению путем напоминания им определенных эпизодов славной истории. В этом отношении значимы труды Махмудходжа Бехбуди, Авлони и Абдурауфа Фитрата по истории ислама. В статье выдвигается идея о том, что важные моменты истории пророчества нашли отражение в трактатах джадидских писателей.

Ключевые слова: современная литература, история ислама, традиционализм, просвещение, учебники и брошюры.

On the works of Jadid writers on the history of Islam

Abstract: In the works of Jadid writers of the early 20th century, one can trace the motifs of appeal to the sacred history of Islam, calling readers to enlightenment by reminding them of some episodes of glorious history. In this regard, the works of Mahmudkhoj Behbudi, Avloni, Abdurauf Fitrat on the history of Islam are significant.

The article puts forward the idea that important points of the history of the prophethood are covered in the treatises of Jadid writers.

Keywords: Jadid literature, islamic history, traditionalism, enlightenment, textbooks and treatises.

XX аср бошларида кўплаб маърифатпарвар адиблар ижодида муқаддас ислом тарихига мурожаат, шонли тарихнинг айрим лавҳаларини китобхон-ларга эслатиш орқали уларни маърифатга чорлаш мотивларини кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Амалиёти ислом” (1908), “Та-рихи ислом” (1909), “Мухтасари тарихи ислом” каби дарсликлари [2. 9,20] ҳамда Авлонийнинг “Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом” (1910)[1.27], Абдурауф Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи” (1914, форс тилида)[3.36-62] асарлари аҳамиятлидир. Бу ихчам рисоалар ислом тарихидан умумий сабоқ бериш билан бирга унинг айрим мутаассиблар томонидан киритилган схоластик қоидаларнинг ислоҳ қилиниши нуктаи назаридан ҳам эътиборга молик. Ифода тарзи жиҳатидан эса улар худди бадий асарлардек раво ёқилади. Шу билан бирга бу рисоалар пайғамбарлик тарихининг муҳим нуқталарини китобхон кўз ёнгида жонли тарих лавҳаларидай берилиши билан ҳам эътиборлидир.

Жадид адабиётида ислом тарихи, пайғамбарлар саргузашти ҳақида яратилган асарлар ичида Абдурауф Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи” ўзига хос ўрин эгаллайди. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, бошланғич мактаб ўқувчилари учун ислом тарихидан сабоқ берувчи қўлланма саналган. Асар бошланғич синф талабаларга мўржаллангани учун ҳам муаллиф асарнинг муқаддима қисмида тарих қандай илм эканлигини тушунтиради ва у икки қисмдан - умумий ва хусусийдан таркиб топиши, уларнинг моҳиятини изоҳлайди. Муаллиф таркибий жиҳатдан асосий қисмни уч бобга бўлади. Ҳар бир боб сарлавҳаланган фаслларни ўз ичига олган бўлиб, ундаги воқеа ва тафсилотлар бобнинг мазмунини тўлдиради. Масалан 1-қисм “Саодат асри” деб номланган бўлиб, унда Рум ва Эроннинг ислом пайдо бўлишидан аввалги фисқу фужур ва зўравонлик авж олганликдаги танг аҳволи, Араб ярим ороли ва у ернинг халқи бўлган арабларнинг чеккан жабрлари асосли тасвирланади. Тафсилотларнинг давомида Расули Акрам (с.а.в)нинг туғилишлари, тарбиялари, уйланишлари, пайғамбар бўлишларидан бошлаб Маккадан Мадинага кўчишларигача, ислом йўлидаги олиб борган уришлари, оламдан ўтишлари, оила аъзолари, у зотга мансуб бўлган юксак инсоний фазилатлар, хусусан, гўзал хулқи мубораклари, таҳсинга лойиқ бўлган сифату сийратлари ҳақида тўла ва мукаммал маълумотлар берилган. Бу эса XX аср даври авлоди учунгина эмас, ҳар бир давр авлодининг маънавий ва ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамиятга молик.

“Мухтасар тарихи ислом”нинг 2-қисми “Биринчи тўрт асл халифалар” деб номланиб, унда Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Алининг халифалик давлари, уларнинг ислом динини кучга кириши учун ва ривож топиши, мусулмонларнинг шавкатини ошириш учун, кўп меҳнатлар қилганликларини баён этади. Фитрат уларнинг ислом йўлидаги ғайратлари ва эзгу амаллари, инсоний сифатларининг мужассамини Аллоҳга ва унинг расулига

мухаббатининг ифодаси сифатида талқин этади. Мазкур тарих дарслигида бу тўрт асл халифанинг халифалик ҳаёти ҳақида ўқувчиларга тўлиқ маълумот беради. Ҳазрати Алидан кейин халифалик мусулмонлар Имоми Ҳасанни халифа этиб тайинлаганликлари, Имоми Ҳасаннинг ўзи Муовияга тенг келолмаслигини сезиб, истеъфо бериб, халифаликни Муовияга топширганлиги билан иккинчи боб якунланади. Муаллиф асарни бобларга ажратишда воқеликларга, уларнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратади. Яъни иккинчи бобда мусулмонлар кимни хоҳлашса ва лозим топишса, уни халифа даражасига кўтарганлиги, тўрт халифа ҳам мана шу йўл билан халифалик фаолиятини олиб борганлиги изоҳланади. Муаллиф халифаликнинг янги бир тартибини асарнинг “Уммавийлар ва аббосийлар” деб сарлавҳаланган 3-қисмида баён этади. Яъни Муовиянинг халифаликка ўзгартиришлар киритиши, халифаликда наслий сулолани расм қилиб, ўз ўғли Язидни валиаҳд қилиши, улар Уммия қабиласидан бўлганлиги учун уммавийлар деб аталганлиги, уларнинг халифалик даврлари тўқсон етти йил давом этиб, 14 нафар киши халифалик қилганлиги ҳақида умумий маълумот берилади. Бобда Муовия, Язид, Валид бинни Абдумалик, Мирвон бинни Муҳаммад ҳақида баён қилади. Асарда ҳар бирларнинг ҳаракатлари аниқ ва тўғри таҳлил қилинган. Уммавийларнинг энг охиргиси Марвон бинни Муҳаммад даврида бу давлатнинг қандай завола топганлиги аниқ манзараларда тасвирланган. “Уммавийлар давлатининг асоси аввалги ҳукмдорларнинг бахтсизликлари, зулм ва фисқлари билан қопланган”лиги, “халқ ҳар тарафдан исён қилиб, Марвонни Абу Муслим Хуросоний зоҳир бўлгон замонга қадар саргардон қилган”ликлари ҳақида ёзар экан, эронли миллатпарварлардан Абу Муслимнинг халқни тўплаб, “уммавийлар халифаликни (ноҳақ) эгаллаб олганлар, улардан халифаликни олиб, асл соҳибларига топширурмиз” деган даъвати мусулмонларга маъқул келиб, унинг атрофига жамъ бўлиб, Марвон лашкарларига шикат етказганликларини кенг ва батафсил баён қилади. Китобда уммавийликдан кейин фаолият олиб борган аббосийлар халифалиги ҳақида, улардан энг машҳурлари Хорун-ар-Рашид, Маъмун, охиргиси Мустаъсим Биллоҳнинг халифаликда қай йўлни тутганлиги ҳақида ўқувчиларга тушунтиради. Хорун –ар-Рашид аббосийларнинг бешинчи халифаси бўлиб, “исломнинг буюк подшоҳларидан” бўлганлигини таъкидлайди. Маъмун Хорун –ар-Рашиднинг ўғли бўлиб, аббосийларнинг еттинчи халифаси бўлганлиги, илм ва маърифат тараққиёти йўлида отасидан қолишмаслиги мисоллар орқали изоҳланади. Мазкур бобда аббосийлар давлатири орқали Мустаъзим Биллоҳ халифалиги билан барҳам топганлиги ва унинг сабаблари чуқур таҳлил қилинади.

Абдурауф Фитрат “Мухтасар ислом тарихи” асарида ўтган қавмлар, уларнинг умумий аҳволи, ҳазрати Пайғамбаримизнинг сийратларини тушунтиради, сифатларини ўқувчиларга ибрат ва дастуриламал қилиб нақл этади. Пайғамбаримиздан кейинги халифалик даври ва халифалар ҳаёти ва уларнинг олиб борган ҳатти-ҳаракатлари муҳокама қилиб, уларнинг тоифаларга ажратади, олиб борган сиёсатларининг турлари, даражаларини ўрганади, айниқса, халифалик давлатларининг пайдо бўлиб, инқирозга юз тутиши

сабабларини ўрганди ва чуқур таҳлил қилиб ўқувчиларга тўғри ва содда йўл билан тушунтиради.

“Мухтасари тарихи ислом” Фитрат домланинг ислом тарихи илмининг билимдони бўлганликлари, тарих илмини тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам маҳоратлари юксаклигини далиллайди.

Adabiyotlar ro'yhati

1. YO'LDOSHEV, Q. O. Z. O. Q. B. O. Y., et al. "Adabiyot." *Toshkent-2019*.
2. Qodirov, Valijon. "Reflections on the formation of reflexive abilities in preschool education." *Science and innovation* 2.B11 (2023): 150-153.
3. Kadirov, Valijon, and Dildora Abdullajonova. "FICTION IS A FACTOR IN THE FORMATION OF NATIONAL EDUCATION AND SPIRITUALITY IN CHILDREN." *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры* 2.3 (2022): 124-127.
4. Хасанов, Шаробидин Азамович. "ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ В ПРОЦЕССЕ ЛИТЕРАТУРНОГО ОБУЧЕНИЯ." *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE*. 2018.
5. Ibraimov, X., Z. Azimova, and Z. Otaboeva. "Pedagogical peculiarities of studying group solidarity in the student community." *Science and innovation* 2.B12 (2023): 108-113.
6. Азимова, Зиёда Эргашевна. "Олий ўқув муассасаси маънавий-маърифий ишларининг педагогик назария ва амалиётда тутган ўрни." *Современное образование (Узбекистан)* 2 (2018): 26-35.
7. Artikova, M. "DEMAND FOR A COMPETENCY-BASED APPROACH TO THE ACTIVITIES OF TEACHERS IN MODERN CONDITIONS." (2021).
8. Artikova, Muhayo Botiraliyeva. "Experience In Developing Entrepreneurship Skills In Foreign Countries." *Scientific Bulletin of Namangan State University* 1.7 (2019): 250-255.
9. Artikova, Muhayyo Botiraliyeva. "PECULIARITIES OF METHODOICAL WORK IN PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL." *Science and Education* 2.1 (2021): 297-300.
10. Artikova, M. B. "THE FACTORS OF BRINGING CHILDREN UP IN THE MOOD OF MATERIAL AND SPIRITUAL INTEGRATED LIFE IN THE FAMILY (AS AN EXAMPLE OF PRIMARY SCHOOL AGE)." *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука* 6 (2018): 269-272.
11. Tojiboeva, Muqaddas, Nargiza Sattarova, and Nazokat Qanoatova. "Tradition In Abdulla Avloni's Poetry." *JournalNX* 7.11 (2021): 166-171.
12. Таджибаева, Мукаддас Абдурахимовна. "Традиционные образы в узбекской джадидской поэзии." *Проблемы востоковедения* 2 (56) (2012): 53-58.
13. Tojiboyeva, Ffd MUQADDAS, and Vositov Shavkatbek. "FOLLOW-UP, STABILITY, AND ARTISTIC DISCOVERY IN JADID LITERATURE." *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology* 17.6 (2020): 14576-14581.

14. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "TA'LIMIY O 'YINLAR MTT VA OILA HAMKORLIGINI MUSTAHKAMLASH VOSITASI SIFATIDA." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 87-93.
15. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "EKOLOGIK ONG VA AXLOQNING IJTIMOIIY-EKOLOGIK MADANIYATNI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 94-100.
16. Хасанов, Шаробидин, and Муқаддас Тожибоева. "ЖАДИДЧИЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 101-106.
17. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "Pedagogik kadrlarni tayyorlashda sun'iy intellekt asosida interaktiv o 'quv muhitini tashkil etish." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 107-112.
18. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "MTTDA BADIY ADABIYOT BILAN TANISHTIRISH VA BOLALAR NUTQINI O 'STIRISH YUZASIDAN MULOHAZALAR." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 113-117.